



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 3

между "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Гиждувон туман МТБ на общую сумму 200534400,00

Глава

Казначейский лицевой счёт

251

100022860062157091100251055

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	66 844 800,00			66 844 800,00
Февраль	66 844 800,00			66 844 800,00
Март	66 844 800,00			66 844 800,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>200 534 400,00</b>			<b>200 534 400,00</b>

Всего 200534400,00 сум

Двести миллионов пятьсот тридцать четыре тысячи четыреста сум  
00 тийин  
сумма прописью

Месячный 100 % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до 25 числа текущего месяца.



Руководитель заказчика

М.П.

Курбонов Зокиржон Жўрақулович

Ф.И.О.

(подпись)

Главный бухгалтер заказчика

Шарипов Шерзод Махмудович

Ф.И.О.

(подпись)

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

# ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ № 3

« 05 » январ 2022 йил

Фиждуон туман

## « Фиждуон туман мактабгача таълим бўлими »

(бундан бўён «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият қўрсатувчи раҳбари З.Курбанов бир томондан ва "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ Фиждуон туман бўлими  
(бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият қўрсатувчи раҳбари У.Аминов иккинчи томондан ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига мувофиқ тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни «Таъминотчи» ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Таъминотчи» табиий газ етказиб беришни фақат «Истеъмолчи»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «Истеъмолчи»нинг буюртманомасига асосан 2022 йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 303840 куб.метрни, нарҳи 660 , Р=кгс/см<sup>2</sup> 200 534 400 сўмни ташкил қиласди\*, шундан бюджет маблағлари ҳисобидан 200 534 400 (Икки юз миллион беш юз ўттиз тўрт минг тўрт юз) сўм,

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан \_\_\_\_\_ сўм.

шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир.

1 чорак 303840 куб.м.	январ 101280	феврал 101280	март 101280
2 чорак _____ куб.м.	апрел _____	май _____	июн _____
3 чорак _____ куб.м.	июл _____	август _____	сентябр _____
4 чорак _____ куб.м.	октябр _____	ноябр _____	декабр _____

1.4. «Истеъмолчи» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «Таъминотчи» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил тақсимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида «Таъминотчи» томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортиқ «Истеъмолчи»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртacha кунлик ва ўртacha соатлик газ ҳажми ҳисоблаб чиқиласди.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш деб ҳисобланмайди. Ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар белгиланган тартибида киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам булмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қиласди. (Бюджет ташкилотлари учун камида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўлов ўтказилганда амал қиласди.)

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «Таъминотчи» 1.3. бандда кўрсатилган ҳажмда «Истеъмолчи»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди. T=20°C, P=760 мм симоб устуни,)да ҳисобланади.

2.2. «Истеъмолчи» ой мобайнида бир маромда, газ истеъмолининг ўртacha кунлик меъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларида кўрсатилган ҳажмда «Таъминотчи» дан табиий газ қабул қилиб олади. Шунингдек, табиий газ етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисида ой охирида тузилган далолатномага имзо қўяди.

2.3. Газ ҳажмлари тўғрисида ҳисобот ойида топширилган ва қабул қилинган ҳужжатлар «Истеъмолчи»нинг газ ҳисоблагичи бўйича аниқланган:

- «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи» ўртасида газ етказиб бериш ва қабул қилиш ҳақида тузилган техник далолатномаларда акс эттирилган маълумотларга;

\* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтнинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

- Тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз газ ҳисоблагичлар бўйича ушбу русумли газ ҳисоблагичлар учун истеъмолчи томонидан юритилган қайд дафтарлари (журналлар) билан тасдиқланган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи электрон блокли ҳисоблагичлар бўйича ҳисобот даври учун чиқарилган архив маълумотлари (распечатка) ларга асосан аниқланади.

**«Истеъмолчи»** балансида бўлган газ кувурларидаги ва ГТМ даги газнинг йўқолган ҳажми **«Истеъмолчи»** ҳисобига қарашли бўлади.

2.4. **«Истеъмолчи»** га берилган газ ҳажми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мувофиқ равища ўрнатилган назорат-ўлчов асблари, соз ҳолатдаги ҳисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар кўрсатгичлари бўйича ҳисобланади.

**«Истеъмолчи»** газ ҳисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши, ҳамда уларни ўз вақтида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб беради. Газ ҳисоблагичи тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз бўлган истеъмолчилар кундалик газ сарфини ёзувчи дафтар тутишлари ва кундалик фойдаланилган газ сарфи ёзиб борилиши керак.

2.5. Агарда табиий газ Шартномада кўрсатилган миқдордан кам миқдорда етказиб берилса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конунига биноан **Таъминотчига** нисбатан **Истеъмолчи** фойдасига жарима санкциялари кўлланилади.

Куйидаги ҳолатлардан ташқари:

- авария вазиятларида, табиий оффатларда;

киш мавсумида газ танқислиги сабабли, жойлардаги ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, истеъмолчиларга газ етказиб бериш вақтинча чегараланганида; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

- **«Истеъмолчи»** томонидан газ истеъмол қилувчи ускуналар ва газ ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бузилганида, фойдаланилган газ ҳаки тўланмаган тақдирда ҳисоб-китоб ишлари, мазкур шартноманинг 2.7., 2.14. – бандларига асосан амалга оширилади

2.6. **«Истеъмолчи»** ушбу шартноманинг 6.4 ва 6.5. бандида кўрсатилган жарима санкцияларини олган кундан бошлаб 10 кун ичida тўловни амалга оширмаса, **«Таъминотчи»** олдиндан огоҳлантиримай туриб, газ таъминотини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2.7. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортик ҳажмда ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан газ олган тақдирда газ истеъмолчисидан куйидаги миқдорда:

- истеъмолчи учун шартнома ҳажмларидан ортикча олинган газ киймати 2 коэфіцент билан оширма тулов ундирилади. (Ўзб.Респ. В.М.нинг 132-сон карори асосан)

2.8. **«Истеъмолчи»**да заҳира ёқилғисини ёки тизими бўлиши, заҳирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб қўйиши ва кузги-қиши даврда ёки газ танқислигига, авария ҳолатларида корхонанинг бир маромда ишлаши учун заҳира ёқилғисини жамлаб қўйиши керак.

**«Истеъмолчиларнинг»** 20 Гкал/соат.дан юқори кувватли қозонхона қурилмалари газ ёқилғиси етказиб беришдаги узилишларни ҳисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёкишга мўлжалланган заҳира ёқилғиси хўжалигига (СниП –2-35-76) эга бўлиши, **«Истеъмолчиларнинг»** 20 Гкал/соат. дан кам кувватли, 1-тоифага киравчи қозонхона қурилмалари авария ёқилғисига эга бўлиши керак.

2.9. **«Истеъмолчилар»** шартномага мувофиқ равища белгиланган муддатларда газдан фойдаланиши тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг қурилмаларининг ўчириладиган қисмларини тамғалаш ёки пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учириш учун **«Таъминотчи»** ўз вакилини юборади.

2.10. **«Истеъмолчи»** газ ҳисобини олувчи хўжалик ҳисобидаги газ ўлчаш тармоқлари (узеллари) ва ҳисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол қилувчи жиҳозлар, ГТП (газ тақсимлаш пункти) ва газ ҳисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сақланиши, ҳамда уларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш учун **«Истеъмолчи»** корхона раҳбарлари жавобгардирлар.

2.12. **«Истеъмолчи»**нинг хўжалик ҳисобидаги ҳисоблаш ускунаси ҳисоблаш хатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофиқ бўлган газ ҳисоблаш тармоғи ҳисоб-китоб учун яроқли деб ҳисобланади.

2.13. Агарда, **«Истемолчи»**даги газ ҳисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи газ ҳисоблаш қоидаларига мос келмаса, **«Истемолчи»**даги асосий газни ҳисобга олиш приборлари носоз булганда ва улар газ етказиб берувчида мавжуд булмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ миқдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойиҳадаги куввати

ва газ сарфини ҳисобга олиш приборлари: носоз булган вақтда шартномада назарда түтилган бошқа усул билан аниқланади (Ўз.Р ВМ 08.01.2004й. 9-Қарори таҳриридан банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол қилувчи курилмаларнинг энг юқори газ сарфи қувватида, кунига 24 соат иш тартибида ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ ҳисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 –97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ ҳисоблагичлар учун бошқа ГОСТларга мос ҳолга келтирилгунинг қадар амал қиласи. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдириш, камчиликлар бартараф қилингунга қадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай узиб қўйишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.14. «Истеъмолчи» ўз ҳисоблагич хотирасидан мунтазам равишда ҳар ой тузатиш киритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёки кундалик фойдаланилган газ сарфини ёзувчи дафтари билан тасдиқланган ҳисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га ҳисобот ойи тугаши билан тақдим қилиши шарт.

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан даъво муддати мобайнида яъни, 3 йил сақланиши шарт. (Ўз.Р. Ф.К. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вакили хар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босимида ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон ҳисоблагич кўрсатмалари бўйича киритишлари керак.

2.16. Газ ҳисоблагич ёрдамида газ ҳисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» қўйидаги талабларга риоя қилиши шарт:

- газ босими ва газ ҳисоблагичнинг ҳисобга олуви қисми атрофидаги ҳавонинг ҳарорати ҳисоблагични ишлаб чиқарган корхона-заводнинг ҳисоблагични ишлатиш талабларига мос келиши керак;

- газ ҳисоблагичдаги ишчи босим истеъмолчининг ГТП (газ тақсимлаш пункти)нинг соз ҳолатда эканлиги тўғрисидаги далолатномани «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тақдим қилинади;

- газ ҳисоблагичдан фойдаланиш жараёнида «Истеъмолчи» унинг ҳисоблаш механизми ва тузатиш киритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланишдан эҳтиёт қилиш;

- газ ҳисоблагични ишлатишда ҳисоблагич паспортида қайд қилинган талаблар бажарилиши;

Газ ҳисоблагич қўйидаги талабларга жавоб бериши:

- газ ҳисоблагичнинг кўриш жойларида ҳисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўсқинликсиз олиниши, ҳамда шикастланган жойлар ва камчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;

- ишлаб чиқарувчи корхона- завод ва «Ўздавстандарт» тамғалари сақланган, бут бўлиши;

- ҳисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сизиб чиқиши ҳолатлари бўлмаслиги;

- газ ҳисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ ҳисоблагич русуми, рақами, унинг аниқлик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрстилганлиги;

- газ ҳисоблагич корпусида газ оқимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;

- газ ҳисоблагич шовқинсиз ишлаши шарт.

Агарда газ ҳисоблагич юқоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, ҳисоблагич фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланади ва аниқланган камчиликлар «Истеъмолчи» томонидан бартараф этилмагунига қадар ҳисоблаш тармоғи яроқсиз деб ҳисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилига, хафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 маротабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган микдорда газ ҳисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиб бериши шарт. «Истеъмолчи» ташаббуси билан «Таъминотчи» вакилини таклиф қилиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, «Таъминотчи» вакили газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун «Истеъмолчи» худудига киритилмаса, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади.

Эслатма:

«Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ ҳисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Агарда, «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилининг худудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ ҳисоблаш мосламаси, тижорат ҳисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, «Таъминотчи» далолатномани бир томонлама тартибида

тузади. Бунда, газ ҳисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган «Истеъмолчи» вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда “истеъмол”чининг манзили кўрсатилади.

Агарда “Истеъмолчи” далолатномага имзо куйишда бош тортса унда, “Таъминотчи” томонидан уч кишидан кам булмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб ҳисобланади.

2.18. Газ ҳисоблаш воситалари ишдан чиқса ёки яроқсиз ҳолга келиб қолса, «Истеъмолчи» бу ҳақида «Таъминотчи»ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамғалаш учун «Таъминотчи»ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ҳисоблаш ускуналарини қайта таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда газ сарфи ҳисоб-китоби ўзгарганида «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки рухсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтгазназорат» инспекциялари томонидан берилган рухсатномаларни тақдим қилиши шарт. Шундан сўнг шартномага ўзгартиришлар киритилади.

2.20. Газ ҳисоблаш пункти ишдан чиққанида «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилини 1 сутка давомида хабардор қилиб, газ ҳисоблаш прибори кўрсаткичини қайд қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилганида, газ қувури тизими орқали газдан фойдаланишга рухсат этилади. Бундай пайтида «Истеъмолчи» газ ҳисоблаш тармоғини таъмирлаш учун тезкор чора кўриши шарт. «Таъминотчи» томонидан газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилгунга қадар фойдаланилган газ сарфи учун ҳисоб-китоб мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади.

2.21. Газ ҳисоблагич, тижорат ҳисоблагични бир маромда ишлаши учун «Истеъмолчи», ёзги ва қишки даврда газ истеъмол қилиш хажмига қараб торайтириш ускуналарини алмаштириш ва газ ўлчаш асбобларини ўз вақтида талаб даражасида булишини таъминлаб бориши шарт.

2.22. Газ ҳисоблаш асбоблари сарфланаётган газ микдорига мос бўлиши керак. Газ ҳисоблаш мосламаларининг техник характеристикасида кўрсатилган чегарадан кам микдорда газ сарфланса, газ микдорининг ҳисоби ва газ сарфи, газ ўлчов мосламасини техник характеристикасининг пастки чегараси бўйича олинади бунда, “Истеъмолчи” 15 кун муддат ичидагаз ёкиш ускуналарига мос газ ҳисоблагич мосламаларини ўрнатиш мажбуриятини олади.

Газ ҳисоблагич мосламалари, газ сарфини ҳисоблашда тармоқнинг хатолик даражаси 1,5% дан юқори бўлса, газ сарфи ҳисоб – китоби газ ҳисоблаш прибори шкаласининг хатолиги 1,5% дан юқори бўлмаган фоизи бўйича амалга оширилади. Рухсат этилган максимал чегарадан юқори микдорда газ сарфланса, газ ҳисоби ўрнатилган ва тамгаланмаган газ ускуналарининг газ сарфи мазкур шартноманинг 2.13. бандига асосан ҳисобланади.

2.23 «Таъминотчи» томонидан “Истеъмолчи”нинг хужалик ҳисобида бўлган газ ҳисоблагич мосламаларини кўрилганда, газ ҳисоблаш мосламаси бир маромда ишламаётганлиги, таққослов текшируви (хронометраж) ўтказилганда, ташқаридан газ ҳисоблаш мосламаларига таъсир кўрсатилганда ва бошқа ҳолларда, газ ҳисоблаш мосламаларини жойлардаги «Ўздавстандарт» бошқармаларида экспертизадан ўтказишни ва назорат-ўлчов асбобларини навбатдан ташқари текширувдан ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Агарда, газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўлов, газ ҳисоблаш асбоби эгаси томонидан амалга оширилади.

Газ ҳисоблаш асбоблари соз ҳолатда бўлса, экспертизадан ўтказиш учун сарфланган харажатлар, экспертизадан ўтказишни талаб қилган ташкилот томонидан амалга оширилади.

2.24 “Истеъмолчи” томонидан газ тармоқларига узбошимчалик билан уланган ҳолларда урнатилган газ ёкиш ускуналарнинг сарфланган табиий газ учун ҳисоб-китоб уланган вақтдан бошлаб 10 баравари қийматида ундирилади ва газ тармоғидан (курилмаларидан) мажбурий тарзда узуб кўйилади. (Уз.Р. ВМ 09.03.1994й. 124-сон Қарори 1.2 б.)

2.25 Куйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтидан бошлаб, тамгаланмаган барча газ истеъмол қилувчи газ ускуналарининг лойиҳавий юқори қувватидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади:

а) газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса ёки газ сарфини торайтирувчи мосламалар билан ўлчашда ГОСТ 8.563-97. қоидлари бузилса;

б) сарф ўлчагичлар, торайтирувчи мосламалар, газ ҳисоблагичларнинг Давлат кўригидан ўтган муддати ва газ ҳисоблаш тармоғига (узелига) берилган гувохномалари (сертификатлар) муддати тугаганидан кейин;

в) газ ҳисоблагичларни Давлат кўригидан ўтказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб, қайта ўрнатилган кунгача бўлган муддатларда;

г) «Таъминотчи» вакили томонидан «Истеъмолчи» хужалик ҳисобида бўлган газ ҳисоблаш мосламаларининг байпас йўлларида, импульс йўлларида, торайтирувчи мосламалар камераларида ва сарф ўлчагичларнинг созловчи мурвати (вентили)да газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланганида;

д) «Истеъмолчи» томонидан газ сарфи ўлчайдиган электрон газ ҳисоблагичлардан олинадиган маълумотлар йўқотилган бўлса;

е) назорат-ўлчов комплексининг тузатиш киритувчи блоки ишламай қолганида, механик ревизида ўлчовчи мосламалар мавжуд бўлмаса ёки тўхтаб қолган бўлса;

ж) «Таъминотчи» вакили охирги марта келган пайтдан бошлаб, «Таъминотчи» томонидан газ истеъмол қилувчи агрегатларга, газ ҳисоблаш приборларига ўрнатилган тамғалар узилганида.

«Истеъмолчи» ўрнатилган тамгаларни ўзбошимча ревизида узганлик тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда ҳам, жавобгарлик унинг зиммасида қолади.

2.26. Мазкур шартноманинг 2.3. бандига мувофиқ, сарфланган газни газ ҳисоблагич бўйича ҳисобланганда қўйидагилар инобатга олинади:

а) термометрлар ва манометрларнинг соз ҳолатда эканлиги ва уларнинг давлат текширувидан ўтган амал қилиш муддати;

б) ГТМ (ГРП) созланганлиги муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимнинг ГТМ (ГРП) созланганлиги тўғрисида тузилган далолатномага мослиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 19-03-22-05 РУз реестрида кўрсатилган беш ой иситиш мавсумида ҳисобланади.

“Истеъмолчи” табиий газдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг газ хужалигидаги хавфсизлик қоидаларини бузса унда, Ризб=  $1\text{kg}/\text{cm}^2$  коэффициенти қўлланади.

2.27. “Таъминотчи” қиши мавсумида газ танқис бўлган даврда «Истеъмолчи»га табиий газни узлуксиз етказиб беришни кафолатламайди (жойлардаги Ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, газ таъминоти тармоғидан ўчирилмайдиган рўйхатга киритилган истеъмолчилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.28. Газ таъминоти тармоғи чегарасидан кейин «Истеъмолчи» балансидаги мавжуд газ қувурлари, ундаги курилмалар ва газ истеъмол қилувчи жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалиги хавфсизлик қоидалари»га (Ўзб.Р Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган, “Саноатконтехназорат”нинг 2004 йил 6 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган) биноан «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

Газ қувури бошланадиган жойдаги тақсимловчи зулфин ёки жўмрак, агарда у «Истеъмолчи» корхонаси (объекти) ҳудуди (тўсифи)нинг ташқарисида жойлашган бўлса, улгуржи истеъмолчилар учун газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади. Агарда газ тармоғининг бўлинадиган чегарасида зулфин ёки жўмрак мавжуд бўлмаса, у ҳолда корхона (объект) ҳудудининг тўсифи (девори) газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади.

### 3. ТАБИЙ ГАЗ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб Ўз.Р. Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган Р.Уз.19-03-22-05-сон реестрига асосан амалга оширилади.

3.2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилари яъни «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камидан 5 кун олдин «Таъминотчи» ҳисоб ракамига тузилган шартномада кўрсатилгандек ойлик газ ҳажми қийматининг камидан 30 фоизи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Бюджет ташкилоти ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камидан 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган истеъмол қилинадиган газ ҳажми қийматининг камидан 15 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камидан 5 кун олдин берилган буюртмага асосан олдиндан 30 фоиз тўлов ўтказишлари шарт.

Олдиндан тўлов амалга оширмаган тақдирда «Истеъмолчи»га газ бериш тўхтатилади.

3.3. Якуний ҳисоб-китоб бир ойда берилган ва қабул қилинган газ микдорига мувофиқ ревизида келгуси ойнинг 10 кунигача амалга оширилади (Бюджет ташкилотлари учун якуний ҳисоб-китоб келгуси ойнинг 30 кунигача амалга оширилади).

Узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» томонидан ҳисоб-китоб ойида ҳақиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасига хизмат кўрсатувчи банк орқали «Истеъмолчи»га тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «Истеъмолчи» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк куни мобайнида бажарилмаса, «Истеъмолчи»га газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «Истемолчи»нинг айби билан шартномада кўрсатилган газ ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган бўлса, «Истеъмолчи» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол қилинмаган газ учун қайтарилмайди, балки у келгуси ойнинг ҳисобига киритилади.

«Истеъмолчи»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган карздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

3.6. «Истеъмолчи» ёки «Таъминотчи» нинг тўлов реквизитлари ўзгарганида улар бир-бирларига дарҳол хабар беришлари керак.

3.7. Саноат ва коммунал-маиший корхоналар (бюджет ташкилотларидан ташқари) олинган газ миқдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок коррекции)си мавжуд бўлган электрон газ ҳисоблагичга эга корхоналар эса кейинги ойнинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига тақдим этади. Ҳисоб – китоб ойнинг 10 кунигача тўлиқ амалга оширилади.

Агар узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхоналар газни қабул қилиш –топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар орқали, ўтказилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда, ҳисоб китоб ойида амалда етказиб берилган газ қиймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

“Таминоччи” томонидан етказиб берилган табиий газнинг аниқланган миқдорига норози бўлган “Истеъмолчи” 10 кун ичида “Таминоччи” ўз норозилиги ҳақида мурожаат қиласди. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «Истеъмолчи» томонидан қилинган эътиrozлар қабул қилинмайди.

#### **4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ**

##### **ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «Истеъмолчи» жорий йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол қилинадиган газ учун «Таъминотчи» га ўрнатилган тартибда буюртма берishi шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолининг чораклар бўйича миқдори акс эттирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий йилнинг 1 сентябр кунигача тақдим қилиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб берishi шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги табиий газни етказиб берishi миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ўн) кун олдин хабардор қиласди.

4.5. “Таъминотчи” Табиий газ қабул қилиш ва берishi тартибининг ўзгарганлиги (магистрал газ қувурлари, газ тармоқлари, газ кириш қисмининг авария чегаралаш тугунларида содир бўлган носозликлар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар туғрисида “Истеъмолчи”ни диспетчерлик алоқа каналлари орқали хабардор қилишлари шарт.

«Истеъмолчи» газ хўжалиги тезкор бошқармасининг  
телефонлари: 57-24-0-34

«Таъминотчи»нинг манзили: Ю.Хамадоний кўчаси 160 уй тел: 57-25-3-04

4.6. «Таъминотчи» газ берishi қисқартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Истеъмолчи»га газ қисқартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Қиши мавсумида, ҳамда магистрал газ қувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «Таъминотчи» газ берishни чегаралайди «Истеъмолчи» қўшимча заҳира-ёқилғи турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Карор)

#### **5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.**

5.1. Қуйидаги ҳолатларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га газ берishни тўхтатади:

- «Истеъмолчи» шартномада келишилган ҳажмдан ортиқ газ олса;
- газ тармоқларига ўзбошимча равишда қўшимча газ ускуналари улаб олинган бўлса;
- муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;
- газ олиш қоидалари қўпол равишда бузилганида;
- буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб берish тармоқларидан узуб қўйиш ва уларни газ тармоғига қайта улаш ҳаражатлари «Истеъмолчи» ҳисобига қопланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-иловасида кўрсатилган корхоналарга ҳақи туланмаганлиги учун табиий газ берishни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони

даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узib кўйиш эса – фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1. Етказиб берилган табиий газ сифати шартномада ёки қонун хужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» табиий газни қабул қилиш, ҳамда унинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати ва миқдори лозим даражада бўлмаган табиий газ кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар табиий газ ҳақи тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаишни «Таъминотчи»дан талаб қилишга ҳақлидир.

6.2. Табиий газ етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи «Истеъмолчи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида бажарилмаган бўлса, «Таъминотчи» жарима (пеня) тўлашдан озод қилинади.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳақини ўз вақтида тўламаса, кейинги ойнинг 11 қунидан бошлаб кечиккан ҳар бир кун учун муддати ўтган тўловнинг 0,4 фоизи ҳисобида жарима (пеня) тўлайди. Бироқ, жарима миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» газ истеъмол қилувчи қурилмаларни ўзбошимча равища, «Таъминотчи» билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан ўрнатилган газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлиқ кувватининг 2 баравар ҳисобида фойдаланилган газ учун ҳақни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол қилувчи қурилмалари газ таъминоти тизимидан узib кўйилади.

6.5. Агарда, газ ҳисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол қилувчи бошқа агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равища узилганлиги аниқланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги қуввати бўйича «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтидан бошлаб 2 баравар ҳисобланган газ ҳақини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хуқуқий негизи тўғрисида» ги Қонунига биноан жавоб берадилар.

## **7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар қоидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## **8. ФОРС-МАЖОР.**

8.1. Томонлар қўйидаги ҳолатларда газ бериш ва қабул қилишни тўхтатиши ёки камайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

- а) табиий оғатларда;
- б) газ конларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармоқларида кутилмаган авариялар содир бўлганида.

8.2. Бундай ҳолатлар содир бўлганида томонлар бир-бирларини ҳар қандай алоқа воситалари ёрдамида хабардор қилишлари керак.

8.3. Агарда, бу ҳолатлар 90 кундан ортиқ давом этса, томонлар келгусида шартномани бажариш, масаласини музокара йўли билан ҳал қиласидилар.

## **9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.**

9.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимишчалар улар ёзма равища содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва кўшимишчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

9.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги ҳар қандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътиrozлари, эътиroz тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1 Мазкур шартнома тарафларнинг келушивуга кўра ёки бошқа тараф шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади.

Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик кучга эга.

## 11. ҚЎШИМЧАЛАР ВА ИЛОВАЛАР

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Таъминотчи»

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ Фиждувон туман  
бўлими

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг  
номи)

Манзил: Фиждувон туман Ю.Хамадоний кўчаси  
160 уй

Тел./факс 57-25-3-04  
х/р 22634000805113960321  
Банк номи АТ Саноатқурилишбанк Ракат ф.  
МФО 00435

ОКОНХ 35230  
СТИР 306605769

Рахбар \_\_\_\_\_ Ў.Аминов  
(Ф.И.Ш)



(имзо)

Фиждувон туман мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Фиждувон туман Б.Нақшбандий кўчаси  
54/1 уй

Тел./факс 57-24-0-34  
х/в 100022860062157091100251055  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ 207266458  
ОКОНХ 85100

Ғазначилик бўлинмаси номи: Фиждувон тумани  
бўйича Ғазначилик бўлинмаси  
Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк  
ББХКМ  
МФО: 00014  
Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Рахбар \_\_\_\_\_ З.Курбанов  
(Ф.И.Ш)

(имзо)



" 05 " январ 2022 й  
 3 - сонли шартномага  
 Илова

**Фойдаланишга қабул қилингандык газ ёқилғисига  
 ўтказилған агрегатлар тавсифи**

№	Учасика, цех, бино номи	Агрегатлар		Лойиҳавий соатлик газ сарфи м3/соат	Газ хисоблагачлари тури
		Тури	сони		
1	МТТлар	Котёл	127	3.46, 4.5, 5.4	Авангард Г 25 - 4
		ГПх4	35	1.12	Санар Г 25 - 2
		ГПх3	12	0.95	Принц 10 - 39
		ГПх2	8	0.75	Принц 16 - 4
		ОП	18	0.95	Принц 25 - 6
		Ўчоқ	22	2.8	

**Келишилган:**



Ў.Аминов

"Истеъмолчи" раҳбари



3.Курбанов

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ 03**

- 1. Loyihaning turi:** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi:** Tabiiy gaz yetkazib berish va qabul qilish

G'ijduvon tuman mактабгача та'lim bo'limi va HUDUDGAZTA'MINOT aksiyadorlik jamiyati o'rtasidagi № 03-sonli tabiiy gaz yetkazib berish va qabul qilish shartnomasi to'g'risida.

- 3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:**

G'ijduvon tuman mактабгача та'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 05-yanvar kuni ishlab chiqildi va dasturga kiritildi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**G'ijduvon tuman  
yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsult**



**D.Shomurodov**

2022-yil 07-yanvar